



# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 12 июн, чоршанба №94 (1311)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухтарам Президент жаноблари! Аввало, Сизни АҚШга буюрган тарихий ташриф-фингиз гоят муваффақиятли ўтгани билан самимий кутлашга ижозат бергайсиз. Бу ташриф, ҳеч шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Ташриф асносида Сизнинг халқро террорчиликка қарши курашда АҚШни қўллаб-қувватлаш борасидаги шахсий жасоратингизга берилган юксак баҳо ёрқин намояна бўлди. Нафақат мамлакатимиз ҳукумати, балки оддий америкаликлар ҳам биз ёрдамга муҳтож бўлган пайтда биринчи бўлиб қўл узатганингиз учун Сиздан миннатдордир. (Давоми 2-бетда)

## ФЕРМЕР «ТИКО»ЛИ БЎЛДИ

Мирзачўл туманидаги «Тошкент» деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли Сафар Маленбаев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги галлакорлари 27 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42,8 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга дон сотиш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарди. Илгор фермер эришган муваффақияти учун вилоят ҳокими томонидан «Тико» автомашинаси билан тақдирланди.

## БАЙРАМГА СОВҒА

Оққўрғон туманида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва қулайликлар яратиш борасида бир қатор хайри ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда туман ҳокимлиги ва «Оққўрғон деҳқон бозори» акционерлик жамияти жамоаси ташаббуси билан янги тижорат бозори қурилиши бошланди.

Мавжуд бозоримиз бугунги кун талабларига умуман жавоб бермай қолганди, - дейди жамият раиси С.Назаров. - Деҳқон бозори ва буюм бозори бир жойда бўлгани учун турли тартибсизликлар юзага кела бошлади. Деҳқон ўзи етиштирган маҳсулотни бозордан ташқарида сотишга мажбур бўлаётган эди.

Шу мақсадда туман марказига яқин жойдан бир гектардан зиёд эр олдик. «Тадбиркор-банк»нинг туман бўлими 35 миллион сўмлик кредит ажратди. Шу кунга қадар 10 миллион сўмлик иш бажарилди. Мазкур янги тижорат бозори ишга туширилса, 40 дан зиёд ошхона ва чойхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари, савдо нуқталар пайдо бўлади. Энг асосийси, 20 дан ортик иш ўрни очилади. (Ўза).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ҳамда уларни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб устав жамғармасининг миқдори камида 75 миң АҚШ долларига тенг бўлган ҳамда белгиланган бошқа шартларга жавоб берадиган корхоналар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида янги этилади-ган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органларида давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар деб ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида хорижий сармоя иштирокида янги барпо этилаётган ва устав жамғармаси миқдори 75 миң АҚШ долларидан кам бўлган корхоналар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган шаҳар ва туманлар ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар:

тегишли ўзгаришлар киритсин.

3. Мазкур Фармоннинг 1 ва 2-бандларида кўзда тутилган имтиёзлар тегишли равишда белгиланган тартибда рўйхатга олинган, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган ва ўз фаолиятини амалга ошираётган ишлаб чиқариш микрофирмаларига, кичик ва ўрта корхоналарга, хорижий инвестициялар иштирокида янги ташкил этилган корхоналаргагина тааллуқлидир.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва норматив ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақдирларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

6. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2002 йил 11 июн

И. КАРИМОВ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида банд бўлган юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш ва тартибга солиш, бюджетга солиқлар тушуми тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар учун белгиланган даромаддан олинандиган ягона солиқ жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар учун белгиланган даромаддан олинандиган ягона солиқ қўйилсин. Яъни тушум (товар обороти ҳажми)дан ягона солиқ тўловчи улгурчи савдо корхоналари белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғини ҳам тўловчилар эканлиги белгилаб қўйилсин.

3. Улгурчи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари учун божхона тўловлари, давлат поштиналари, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган лицензия йиғимлари, шунингдек давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашининг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақдирларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Улгурчи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари учун божхона тўловлари, давлат поштиналари, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган лицензия йиғимлари, шунингдек давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашининг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

6. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2002 йил 20 май

И. КАРИМОВ

## «БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!»

Муборак шаҳрида «Биз Президент фарзандларимиз!» деб номланган бандий-муслик кеча бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбирда мактаб ўқувчилари ва коллеж талабалари иштирок этди.

Тадбирда мустақиллик ва тинчликни тараннум қилувчи, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ёшларга билдирган ишончи, яратиб берилган шарт-шароитлар ва мунтазам эътибори учун миннатдорлик туйғулари, навқирон авлоднинг орзу-интилишлари ифода этилган ҳароратли сўзлар, эҳтиросли шерлар, жўшқин қўшиқлар янгради. Театрлаштирилган томошалар намойиш этилди. Ёшларнинг ҳар бир чиқишида Она-Ватанга меҳр-муҳаббат, бунёдкорлик ишларига дахлдорлик ҳисси аққол намоян бўлди. (Ўза).



«Қуватқимачи» очик турдаги акциядорлик жамияти жорий йилда катта ҳажмда ип-калага ишлаб чиқаришни режалаштирган. Айни чоғда корхонада ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар мамлакатимиз санаят корхоналарига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, бу йил Россияга ип-калага етказиб бериш учун шартнома тузилди. Яқин кунларда тўқув цехи ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилади. Суратларда: акциядорлик жамияти ишчиси Маҳбуба Аҳмедова (чапда); ишчи Раҳима Қурбонова, цех бошлиғи Сабҳот Йигиталиева ва ишчи Замира Ўринбоевалар. М.КОДИРОВ (Ўза) олган суратлар.



Андижон вилояти давлат солиқ бошқармаси назорат тартибда текширишларни ташкил этиш гуруҳининг фаолият доираси сезиларли даражада кенгайди. Гуруҳ ўзининг қўйи бўлинмалари билан ҳамкорликда солиқ қонунчилигини мустаҳкамлаш, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, нақд пул муомаласини тартибга солиш мақсадида мунтазам рейд ва текширувлар ўтказиб келмоқда.

Кейинги ойлардаги текширувлар кўрсатдики, 178 ҳолатда жисмоний шахслар томонидан қонунбузарликка йўл қўйилган. Қоидабузарлик ҳолатлари бўйича 192 нафар шахсга нисбатан 3,4 миллион сўм маъмурий жарима қўлланилди. 24 та текшириш бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

Текширувларнинг бир қисмида назорат касса машинаси ёки квитанция билан ишлаш тартиби бузилганлиги аниқланган эди. Шу боисдан ҳам қоидабузар 23 та корхонага нисбатан 9,2 миллион сўм миқдорда молиявий жарима қўлланилди. Бундан ташқари, нақд пул тушумини ўз вақтида банк муассасаларига топширмай, бошқа мақсадларга ноқонуний сарфлаб юрган корхоналар ҳам талайгина эканлиги аниқланди. Уларга 43,2 миллион сўм молиявий жарима солинди.

Вилоят солиқчилари Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йил нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси кўрсаткичлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш ҳамда нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан назорат

лари ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилаётган тадбирларда вилоят прокуратураси ҳузурдаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлаш

касса машиналаридан фойдаланишнинг аҳолини алоҳида кузатув остига олганлар. Утган ойларда 69 та савдо ва умумий овқатланиш шаҳобчаларида нақд пул тушумлари бўйича хронометраж ўтказилди. Натияжада кунлик касса режасига нисбатан 4,6 миллион сўм миқдорда қўшимча нақд пул тушумлари туширилишига эришилди. Шундан сўнг ушбу шаҳобчаларда белгиланган касса режаларини қайта кўриб чиқиш бўйича жойлардаги пул-кредит комиссияларига тақдимномалар киритилди. Натияжада вилоят бўйича жорий йил биринчи чорагида касса режасининг 106,5 фоизга бажарилиши таъминланди. Апрель ойи кўрсаткичлари ҳам кўнгулдагидек бўлди.

Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш, назорат касса машиналаридан фойдаланишнинг, нақд пул муомаласини яхши-лашга қаратилган ҳукумат қарор-

ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Ўтказилган тадбирларда Олтинқул туманидаги «Маслаҳат» қишлоқ фуқаролар йиғинида Фуқаро Бахтиёр Нишоновнинг хонадонида яширинча ишлаётган мойжувоз, бир қанча миқдорда тозаланмаган пахта ёғи ва бошқа воситалар далилий ашё сифатида олинди. Хўжабод тумани «Итти-

фок» ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи Фуқаро Ёдгорбек Солиев хонадонида яширин ёғ цехи ҳам ҳамкорликда ўтказилган тадбир давомида фоз этилди.

Яқинда Андижон шаҳар прокуратураси ҳузурдаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари иштирокида ўтказилган қисқа мuddатли текширувлар «Дурдона-Ш» хусусий фирмасидаги йирик молиявий бузилишлар аниқланди. Фирма 20 март ҳолатига 45,3 миллион сўм товар айланмасини амалга оширган ҳолда, шундан 51,5 миң сўми назорат касса машинасига кирим қилинган, холос. Бундан ташқари, 1,6 миллион сўм савдо пули банк ҳисоб рақамига ўтказилди-ю, лекин 41 миллион сўмдан кўпроги чегириб қолинди. Шу тариха 423,8 миң сўм яъни даромад солиғи, пенсия жамғармасига 509,3 миң сўм аж-

ратма қасддан тўланмаган экан. Ушбу ҳолат бўйича фирма раҳбари Шухратбек Қодировга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб суриштирув ҳаракатлари бошлаб юборилди. Нақд пул тушумини ўз вақтида

сида ўтказилмаган салкам 18 миң сўм савдо пули сақланаётганлиги аниқланди. Бундан ташқари, назорат касса машинаси дафтери кўрсаткичларида ҳам бир талай ноаниқликлар чиқди. Яъни «Z» ҳисоботи кўрсаткичи касса дафтери кўрсаткичига нисбатан 6404,9 миң сўмга кам эди. Шунча пул назорат касса машинасидан ўтказилмабди. Текшириш яқини бўйича фирмага нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ 343 миң сўм молиявий жарима қўлланилди.

Кейинги ойларда вилоят бўйича солиқ идоралари томонидан назорат тартибда 168 та текшириш ўтказилиб, шундан 164 та ҳолатда қоидабузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Шундан 52 ҳолатда назорат касса машиналари ёки квитанция билан ишлаш тартиби бузилган эди. Тартиббузар 27 нафар юридик шахс ҳисоб рақамларига нисбатан 9,9 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди. 23 ҳолатда 5,1 миллион сўм нақд пул тушуми ўз вақтида банкларга топширилмай ноқонуний йўللارга сарфланганлиги маълум бўлди. Қинғир ишнинг қийми қирқ кунга қолмай чиқади, деган нақл бор. Давлатни ва халқни алдамоқчи бўлган одам охир-оқибатда ўзи алданиб қолади. Шундай экан, эл-юрт олдида бадном бўлмаслик учун қонунга эид хатти-ҳаракатларга йўл қўймаган маъқул.

## «Ишонч» фоз этади

банк муассасасига топширмай ноқонуний харажатларга сарфлаб келган Навоий вилоятидаги 18 та корхонага нисбатан ҳам 5,3 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди. Улар орасида Навоий шаҳридаги «Юлдуз-XXI аср» хусусий фирмаси ҳам бор эди. Солиқчилар текширув давомида фирмага қарашли дўконда шу пайтгача назорат касса машинаси ўрнатилмаганлигини кўриб хайрон бўлдилар. Дўконда ҳужжатсиз 1,1 миллион сўмлик махсулот ҳам сақланаётган эди. Ҳаммаси рўйхатга олиниб, вақтинча сотувдан тўхтатилди. Мавжуд қоидабузарликлар учун фирмага ва дўкон сотувчиси С.Жияновага нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жарима қўлланилди.

Шаҳардаги «Шамшод-XXI аср» хусусий фирмасига қарашли автомобильларга ёқилги қуйиш шаҳобчасида ўтказилган текшириш натижасида бу ерда назорат касса машина-

сидан ўтказилмаган салкам 18 миң сўм савдо пули сақланаётганлиги аниқланди. Бундан ташқари, назорат касса машинаси дафтери кўрсаткичларида ҳам бир талай ноаниқликлар чиқди. Яъни «Z» ҳисоботи кўрсаткичи касса дафтери кўрсаткичига нисбатан 6404,9 миң сўмга кам эди. Шунча пул назорат касса машинасидан ўтказилмабди. Текшириш яқини бўйича фирмага нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ 343 миң сўм молиявий жарима қўлланилди.

Кейинги ойларда вилоят бўйича солиқ идоралари томонидан назорат тартибда 168 та текшириш ўтказилиб, шундан 164 та ҳолатда қоидабузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Шундан 52 ҳолатда назорат касса машиналари ёки квитанция билан ишлаш тартиби бузилган эди. Тартиббузар 27 нафар юридик шахс ҳисоб рақамларига нисбатан 9,9 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди. 23 ҳолатда 5,1 миллион сўм нақд пул тушуми ўз вақтида банкларга топширилмай ноқонуний йўллارга сарфланганлиги маълум бўлди. Қинғир ишнинг қийми қирқ кунга қолмай чиқади, деган нақл бор. Давлатни ва халқни алдамоқчи бўлган одам охир-оқибатда ўзи алданиб қолади. Шундай экан, эл-юрт олдида бадном бўлмаслик учун қонунга эид хатти-ҳаракатларга йўл қўймаган маъқул.

Жасур НОСИРОВ.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**(Боши 1-бетда)**  
Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг қабул маросимида сўзлаган сарматун нутқини эшитиб, Сиз АҚШ ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорлик янада кенгайтиришга даъват қилдингиз.

65 мингдан зиёд фирма ва компанияларни бириктириб турувчи АҚШ Кичик ва ўрта бизнес уюшмаси Директорлар кенгашининг раиси сифатида Сизнинг мамлакатингиз билан бевосита алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканлигини таъкидлашни истар эдим. Уюшмамиз аъзолари ҳиссасига АҚШ иқтисодиётидаги иш ўринларининг қарийб 60 фоизи тўғри келади, улар қурилиш, қурилиш материаллари тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, қайта ишлаш соҳалари учун ускуналар ишлаб чиқариш, энгил саноат, электроника каби соҳаларда фаолият юритади.

Бугун Америка дунёдаги энг катта, энг салмоқли бозор саналади ва ҳар бир мамлакат бу бозорда ўз ўрнига эга бўлишни istади. Биз Ўзбекистон фирмалари ўз маҳсулотини АҚШда сотиш учун улкан имкониятларга эга, деб ҳисоблаймиз. Унчалик катта бўлмаган компанияларимиз ўртасида

қўшма ишлаб чиқариш ташкил этилиши, назарида, нафақат ўз бозорларимиз, балки бошқа мамлакатлар бозорларига ҳам фойдали тарзда кириб боришимизга ёрдам беради.

Мақтубимнинг мазмуни, жаноб Президент, умумий мақсадларга эришиш учун АҚШ Кичик ва ўрта бизнес уюшмаси билан Сизнинг мамлакатингиздаги тегишли тузилмалар ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини янада мустақамлашдан иборат.

Биз бир неча йил давомида Ўзбекистонлик шериклар билан зарур ишларни амалга ошириб келмоқдамиз ва улар Уюшмамизнинг АҚШдаги молиявий тузилмалар, федерал органлар ва ишбилармон доиралардаги имкониятларидан фойдаланиш учун шарт-шароит яратиб беришга тайёрмиз.

Ўқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Сиздан, жаноб Президент, ёрдамчиларингизга амалий ҳамкорлигимиз имкониятлари ва йўллари диққат билан ўрганиб чиқишни топширишимизни яна бир бор сўрамоқчиман.

Ўз навбатида, биз истралган пайтда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бошлашга тайёрмиз.

Президент жаноблари! 80 йилдан ортқ вақт мобайнида қурилиш ва йўлсозлик-таъмирлаш

техникаси бозорда ишлаб келаётган «Хоффман Интернешнл» корпорацияси президенти сифатида Сизнинг мамлакатингиздаги инфратузилмавий ва бошқа лойиҳаларда қатнашимиз учун ҳам катта имкониятлар бор, деб ўйлайман.

АҚШ томонидан қурилиш техникаси етказиб беришни молиялаш шаршлари бўйича дастлабки таклифлар ишлаб чиқилган. Бу техниканинг умумий қиймати, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, кўпи билан 40 миллион АҚШ долларини ташкил этиши мумкин.

Жумладан, шартнома қийматининг 85 фоизига тенг миқдордаги маблаг АҚШ Эксимбанкнинг бевосита қўллаб-қувватлаши (қарз ё кафолат шаклида) баробарида Либор плюс тартибидеги йилга 0,13 фоизлик икки йиллик имтиёзли давр билан 7 йиллик муддатгача берилиши мумкин.

15 фоизли аванс тўлови хорижий тижорат банкларининг Либор плюс ставкаси шарти билан 3,5 йиллик муддатга берилган кредитлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Шу вақтга қадар АҚШ банклари аванс тўловининг муддатини 3,5 йил-

гача узайтириш амалиётини қўлламаган эди. Биринчи бор, фақат Ўзбекистондаги мазкур лойиҳа учунгина қондан чекиниш қилинди. Бундан ташқари, Эксимбанкдаги учрашувда ушбу таклиф якуний эмаслиги ва ҳали муҳокама қилиниши таъкидлаб ўтилди.

Ўқоридаги масалаларни биргаликда муҳокама этиш ва атрофдаги таҳлил қилишга, зарур бўлса, Сизнинг таклифингизга биноан Ўзбекистонга боришга ҳам тайёрмиз.

Президент жаноблари! Баён этилган таклифлар дастлабки қадамлар, холос. Аминманки, мамлакатларимиз миллий иқтисодиёти ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Сиз билан шахсан учрашганимда мақсад ва имкониятларимизни батафсилроқ баён эта оламан, деган умиддаман.

Жаноб Президент, ўзбек халқининг ёрқин тимсолига айланган Сиздек йўлбошчиға чуркир ва самимий эҳтиромимни изҳор этиш, янги-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

**Жозеф УОТТЕРС,**  
АҚШ Кичик ва ўрта бизнес уюшмаси  
Директорлар кенгашининг раиси, «Хоффман  
Интернешнл» корпорацияси президенти



## МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Ўлкамизда ёз. Кунлар исизи билан кишилар сўлим масканларни ихтиёр этадилар. Эътиборлиси шуки, серкуёш Ўзбекистонимиздаги бир-биридан шинам, табиати хушхаво, сўлим масканлар бағрида жойлашган санаторийлар хориждаги энг яхши оромгоҳлардан сира қолишмайди. Зеро, «Турон», «Чинобод», «Чортоқ» санаторийларининг довриги кенг ёйилган.

Касаба уюшмалари меҳнатқашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш юзасидан белгиланган тadbирларини муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ижтимоий сугурта маблаглари тушумига боғлиқдир. Шу боис газетамизда сўлим оромгоҳлар, жойларда масъулиятли мавсумга қандай тайёргарлик кўрилганлиги, соҳа жонқуярлари ва албатта ижтимоий сугурта хусусида мунтазам мақола бериб боришмоқда. Бирок, «Ишонч»нинг жорий йилнинг 5 июн сонида чоп этилган Ижтимоий сугурта — соғломлаштириш ишларини муваффақиятли амалга оширишнинг етакчи омили, деб номланган мақоладаги: масалан, Қорақалпоғистон Республикаси агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшма Кўмитаси ўтган йили 73 миллион сўм ижтимоий сугурта маблагига эга бўлгани ҳолда, 123 миллион сўм сарфлаб юборган, деган жумла нотўғри талқин қилинган. Мазкур тармоқда муҳим соҳадаги ишлар жонланиб бораётти.

Масъулиятли мавсум уюшқоқлик билан бошланди. Оромгоҳлар ўз бағрига ўғил-қизларни чорлади. Улар ҳақида бундан буён ҳам газетамизда мунтазам мақолалар, суратли лавҳалар чоп этиб борилади.

Республикамиз галлакорлари олтин дамларни бошдан кечиришмоқда. Улар пешона тери эвазига етиштирилган ризк-рўзимизни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқдалар.

Хатирчи туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳам муҳим ишни уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Улар ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 35 центнердан сарадон йиғиштириб олишга ҳаракат қилишмоқда. Меҳнат беллашувида Низомиддин Жўрақулов, Раҳим Бозоров, Эшмурод Раҳматов каби пудратчилар намуна бўлишмоқда.

**Суратларда: комбайнчи Абдугани Усмонов (чапдаги суратда ўртада) ҳамкасблари билан иш унумини ошириш хусусида фикрлашмоқда; техника ихлосманди, мавсум қаҳрамонларидан бири Абдураим Қўшатов.**

**С.ЗУФАРОВ**  
(Ўза) олган суратлар.



Меҳнат жамоаларида маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун касаба уюшма кўмитаси ҳисоб рақамига маблаг ўтказиш тўғрисидаги келишув шарти «Қўйлик АБЗ», «Нерудник», «Пўлатмонтаж» ҳиссадорлик жамиятлари жамоа шартномаларида кўзда тутилмаган.

«Туронмарказқурилиш» корхонасида шартномада кўзда тутилган бўлишига қарамай, ҳодимларга компенсация тўловлари тўланмай келинган. «Тошқурилиш» материаллари комбинатида эса корхонада узок вақт ишлаганлик учун қўшимча таътилар фақат ишчиларга берилган. Маъмурий бошқарув ва муҳандис-техник ҳодимлар бундай имтиёزلардан баҳраманд бўлмаган.

Касаба уюшмаси шахар кўмитасининг қарздорликни тугатиш

бўйича олиб бораётган ишлари ҳам талабга жавоб бермайди. Текширилган корхоналардан 14 тасида иш ҳақидан қарздорлик мавжуд. Шундай бўла туриб, касаба уюшма кўмиталари ҳодимларнинг иш ҳақлари ва бошқа тўловларини ўз вақтида олишлари бўйича қонуний ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда тегишлича чора кўрмадилар.

Баъзи ҳолларда касаба уюшма кўмиталари меҳнат қончилигининг бузилиши бўйича ўзларининг қарорларини корхона раҳбарларига топширадилар. Иш бевечининг меҳнат қончилигига риоя этилиши назорат этишни режалаштирмаганлар ҳам. Бундай салбий ҳолатлар

«Қўйлик АБЗ», «Махсусавтоматика», «ТОЭМЗ-1», «Нерудник», «ЭЛ-ТЭГ» МЧЖ, «Энергомонтаж» шўьба корхоналарида учрамоқда.

Меҳнат муҳофазаси масаласи кўпгина корхона касаба кўмиталари-

## Тармоқ касаба уюшма кўмиталарида

хофазаси бўйича ҳар хил қонунбузарликлар учраб турибди. Масалан, текширилган 9 та корхонада ҳодимларнинг меҳнат муҳофазаси

талари билан таъминлаш масаласи тўлиқ ечилмаган.

Ўтган йилда «Ўзоғирсаноатлоийҳа» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат

фаза қилишда энг яхши жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича кўрик-танловда қатнашмаганлар.

Бўлтўр Тошкент шаҳри бўйича жисмоний тарбия ва спортга атиги 2,4 миллион сўм сарфланди. Бу умумий харажатларнинг 1,97 фоизинигина ташкил этди.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ҳодимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу ва бошқа камчиликлар рўй-рост айтиб ўтилди. Тизимдаги касаба уюшма ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ тadbирлар белгиланди.

**Фулом ЮСУПОВ,**  
«Ишонч» муҳбири.

## Вазирлар Маҳкамасининг қарори амалда

**Оролбўйи минтақасидаги мураккаб экологик вазият Хоразм вилоятининг табиий иқлим шароитига муайян даражада салбий таъсир ўтказмоқда. Шу боис, ушбу ҳудудда аҳоли репродуктив саломатлигини яхшилаш юзасидан аниқ тadbирлар амалга оширилмоқда.**

## ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУСТАҲКАМ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА

Вилоят ҳокимлиги касаба уюшмалари ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аёлларнинг репродуктив саломатлигини таъминлашга эътиборни кучайтирган. Ана шу мақсад йўлида қабул қилинган Дастурга кўра ижтимоий ҳимояни кучайтириш, оила табиий маданиятини ошириш, аёллар макенини кўтариш, баркамол авлодни шакллантириш режалари ўз ифодасини топган. Кенг кўламли саъй-ҳаракатлар дастлабки натижаларини бермоқда.

Вилоятда 340288 нафар туғиш ёшидаги аёллар, 50233 нафар ўсмирлар истиқомат қилишади. Вилоят туғруқхонаси ва Хазорасп болалар поликлиникаси қошида репродуктив саломатлик марказлари ишлаб турибди. Улар энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар, тажрибали шифокорлар билан таъминланган. Мустақиллик йилларида тиббиётнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Янги-янги шифо масканлари ишга туширилди. Жумладан, Урганча ўсма касалликлари диспансерининг махсус даволаш биноси, Хонқанда туғруқхона мажмуаси, Янгиарикда жарроҳлик, Янгибозор туманида эса Марказий поликлиника ҳамда юқумли касалликлар бўлими иш бошлади. Урганчнинг Наврўз кўрғонида фойдаланишга топширилган поликлиника барчани гоёта хурсанд этди.

Соғлом онадан соғлом бола туғилади. Сўнгги йилларда оналик ва болалик муҳофазаси йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан вилоят ҳокимлиги репродуктив саломатлик марказини таъминлашга 250 миллион сўм ажратди. Шунингдек, БМТнинг Аҳоли-шунослик жамғармаси томонидан тиббиёт адабиётлари, замонавий УЗИ аппарати, компьютерлар келтирилди. Яхши ишлардан яна бири, вилоят туғруқхонаси қошида перинатал маркази ташкил этилди. Ушбу марказ АҚШнинг Иллинойс штати университетининг тиббиёт маркази билан ҳамкорликда иш олиб боради. Жаҳон банкининг Германия бўлими томонидан вилоятда ДОТС программаси асосида сил касаллигига қарши тadbирлар олиб бориляпти.

Жойлардаги ҳудудий шароитлар ҳисобга олинган ҳолда аввало қишлоқ ва маҳаллаларда ёш болали оналар, ўсмирлар саломатлиги ўрганилмоқда. Шифокорлар бевосита жойларнинг ўзида аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш юзасидан тегишли маслаҳатлар беришмоқда, муолажаларни амалга оширишмоқда. Соғлом оилани шакллантиришдаги вазифалар, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ, балоғатга етмай оила қуришнинг салбий оқибатлари ҳаётини мисоллар орқали лўнда тушунтирилмоқда.

Репродуктив саломатлик марказида ўтказилган ўқиларда 200 дан ортқ шифокор ва доярлар қайта тайёргарликдан ўтди. Айнакча, болалар ўртасида учрайдиган полиомелит касаллигига қарши эмлаш ишлари ўта масъулият билан ўтказилди.

Ҳозирги кунда ҳар бир оиланинг паспорти тайёрланяпти. Бу жойлардаги шифокорлар фаолиятини ҳар томонлама тақомиллаштириш имконини беради. Ногирон, касалмак болалар доимий назоратда бўлади. Лозим бўлганда улар махсус сикатгоҳларда, мактаб-интернатларда соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

**И.ИСОМИДИНОВ.**

## ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНИГА НЕ ЕТСИН!

Пойтахтимиздаги «PRESS-SYA» очик акционерлик жамияти 1991 йилда ўз фаолиятини илк бор консерва, маъданли сув идишлари учун қоқоқлар ишлаб чиқариш билан бошлади. Секин-аста ишчи ўринларини кўпайтириш, махсулот ҳажмини ошириш мақсадида янги цехлар ишга тушди. Гулдонлар, турли хил ваззалир ишлаб чиқарила бошланди. Сўнгра, аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда йодланган ош тузи, узум ва масхардан ёғ олувчи минерал цехлар жорий қилинди. Корхона шу давр мобайнида бир қанча ютуқларга эришти. Турли кўргазмаларда, кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, голибликни қўлга киритди. Ҳозирда корхонада юздан ортқ ишчи-хизматчи иш билан банд. Жамоадаги баъзи ишлаб чиқариш цехларида махсулот ишларга жалб қилиниши боис, бундан-да кўпроқ ишчи ўринлари яратилиши мумкин. Энг муҳими, махсулотнинг барчаси маҳаллий хомашдан тайёрланади.

Жамоанинг энг катта ютуқларидан бири — бу тиббиётда қўлланиладиган «Лагоден» қон тўхтатувчи препаратини ишлаб чиқариш йўлга қўйганидир. Албатта, бунини ишлаб чиқаришга тadbик қилиш осон кечмади. Препаратни яратиш йўлида корхона раҳбарияти бир қанча илмий институтлар, тиббиёт олимлари ва мутахассислар билан етти йил изланишлар олиб борди. Айна дамба «Сурхон Аджанта лимитет» дори-дармон ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон - Ҳиндистон қўшма корхонаси унинг асосий ҳамкори. Дорининг энг муҳим хусусиятларидан бири, инсон танасидан қон кетаётганда унинг ҳаётини сақлаб қолишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

— Бу янгилик Россиядаги бир қанча тиббиёт муассасалари томонидан ҳам эътироф этилди, — дейди корхона раҳбари Саидвали Фозиев. — Хорижий давлатларда шу турда ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлардан биздагиси тўрт баробар арзон. Республикамиздаги бир қанча илмий институтлар, мутахассислар томонидан унинг сифати аъло даражада деб топилди, махсус сертификатга эга бўлинди. Айна пайтда «Лагоден»ни чет давлатларга экспорт қилишни режалаштирмоқдамиз.

**Давур ЖОЗИЛОВ,**  
«Ишонч» муҳбири.

**Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли оммавий диспансер кўригидан ўтказиш, тиббий ёрдам ва даволашнинг энг мақбул усули — бирламчи тиббий хизматни ривожлантириш тизини ислох қилишнинг асосий бўғинларидир.**

## ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Ислохот шарофати билан вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техника базаси мустаҳкамланди, даволаш-профилактика ишлари сифат жиҳатдан яхшиланди.

Биргина Андижон шаҳрида поликлиника, стоматология ҳамда даволаш шифохоналари қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, 3-туғруқхона мажмуаси, болалар сикатгоҳи Япония гранти бўйича 144 хилдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Бўз туманидаги шифо масканлари Бутун Жаҳон соғлиқни сақлаш халқаро «ЦАРАК» дастурига киритилиб, даволаш бўлимига Италиядан келтирилган энг замонавий тиббиёт анжомлари ўрнатилди. Вилоят аҳолисининг

қарийб 76,9 фоизи қишлоқларда истиқомат қилиниши ҳисобга олиб, эски, мослаштирилган минералларда жойлашган сикатгоҳлар ўрнига замонавий врачлик пунктлари қурилиб, улар таркибида кундузги шифохона

бўйишга тақозо этиляпти. Вилоят ҳокимлигининг ёрдами ва ташаббуси билан ана шу юмушларга 3,5 миллион сўм маблаг сарфланди. Натижада Андижон ва Асака шаҳарларидаги билим, юртлари тиббиёт

## Истиқлол шарофати

налар очувчи, амалиётчи тиббиёт кадрлари тайёрлашнинг кўп йиллик режасини ишлаб чиқдик. Шу кунгача 86 та врачлик пунктлари замонавий лойиҳаларда қурилди. 124 таси қайта таъмирланди, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида тайёрланган ташхис ускуналари билан жиҳозланди. Уларда лаборатория, стоматология хоналари, физиотерапия бўлиммалари иш олиб бораёпти. Ислохотлар жараёни,

Андижон давлат тиббиёт олийгоҳи билан ҳамкорликда олий тоифали ва ўрта мутахассисли шифокорларни қайта тайёрловчи қисқа муддатли малака ошириш билимгоҳлари иш бошлади.

Айнакча, «Соғлом авлод» дастури асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш оилаларнинг тиббий маданияти, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялашни қайтайтиришга алоҳида аҳамият берялмиз. Вилоят ўсмирлар поликлиникаси, «Она ва бола» скрининг марказида бу борада кенг қўламада ишлар амалга ошириляпти. Вилоятимиздаги 3-туғруқхона мажмуасига «Болаларга дўстона муносабатда бўлувчи» халқаро сертификати берилиши андижонлик шифокорларнинг меҳнатига юксак баҳо дид.

**Ақбарали ОТАХОНОВ,**  
Андижон вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.

**Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Кенгаши Республикада болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этиш ва ўтказиш, уларнинг энг яхши болалар соғломлаштириш оромгоҳларида хордик чиқариши билан бирга саломатликларини тиклашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш мақсадида ибратли ишларни амалга оширди.**

гохи ажойиб об-ҳавога эга гўзал масканлардан биридир. «Чимён»да хар бир навбатда 400 нафардан зиёд боланинг хордик чиқариши учун барча имкониятлар мавжуд. Катта

**Ёзги соғломлаштириш**

туридаги оромгоҳ бўлгани боис бу ерда болаларнинг дам олиш билан бирга саломатликларини ҳам мустаҳкамлайдилар. Улар зарур ҳолларда даволаш муолажаларини қабул

корхона маъмурияти томонидан 9 миллион сўм ажратилди. Тошкент вилояти Ёқилгиз-энегетика, геология ва кимё санвати ходимлари касаб уюшма кўмитаси эса оромгоҳни турли бадий адабиётлар, лотин алифбосида чоп этилган китоблар билан таъминлаган. Шунингдек, касаб уюшмаси томонидан мавсум давомида ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояси, катталарга ҳурмат, кичикларга эъзат, билимдонликка ўргатувчи турли учрашув ва кечалар, шоиру ёзувчилар билан суҳбатлар, театр ва концертлар уюштирилди.

**ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ бепул дам олдирилади**

— Ушбу мавсумда 270 минг нафар ўғил-қиз мамлакатимизнинг энг сўлим масканларида куч-қувватга тўладилар, - деди Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика доимий комиссияси раиси ўринбосари Озодахон Муҳиддинова. — Уларнинг 163460 нафари шаҳардан ташқарида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида, 46245 нафари мактаблар қошидаги, 400 нафар болалар эса меҳнат ва дам олиш оромгоҳларида хордик чиқаришди.

Қорақалпоғистон Республикасида 5 минг, Хоразм вилоятидан 2 минг нафар болалар Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги энг сўлим ва хушманзара оромгоҳларда бепул дам олдирилади. Кези келганда, кўп болалар, кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйларида алоҳида имтиёзлар берилганлигини таъкидлашнинг истардим. Оролбўйи болалари тиббий диспансер кўригидан ўтказилиб, дам олиш билан бирга саломатликларини ҳам тиклайдилар. Бу минтақа болаларнинг оромгоҳларга келиш ва кетишлари ҳам бепул ташкил этилади.

Олмалик «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Чимён» болалар соғломлаштириш оромгоҳида жойлашган бу оромгоҳ кислородга бой ҳаво билан ҳам эътиборлидир. Оқ қайинзорлар, ўрмон маликаси бўлмиш ел дарахлари билан ўзига хос яшилликка бурканган атроф баҳри дилнингизни очиб, гўзалликка ошно этади.

Мавсумга тайёрлаш-таъмирлаш ишларига «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси 10 миллион сўм маблағ ажратди, - дейди оромгоҳ директори Куронтой Ҳайитов. — Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхонадан ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари ўрин олган. Тиббиёт хонаси зарур дори-дармонлар билан таъминланган. «Чимён» санаторий

қиладилар. Энг аҳамиятлиси шундаки, отаналар йўлланма нарҳининг 10 фоизинигина тўлайдилар. Бўстонлик туманининг Чимён қишлоғида — денгиз сатҳидан 2 минг метр баландликда жойлашган бу ажиб масканнинг бетакрор табиат манзаралари, мавсум давомида ташкил этилган маданий-маърифий ва маънавий тадбирлар болаларнинг ёзида бир умрга ўчмас таассуротлар қолдириши шубҳасиздир.

**Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби.**

**Оромгоҳлардаги шароит назардан ўтказилганда**

**Фарғона водийси вилоятлари вакиллари иштирокидаги семинар-йиғилиш кун тартибидан ана шу масала кўрилди.**

Болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли ўтказиш, оромгоҳларда фарзандларимиз учун барча зарур шароитларни яратиш мутасадди ташкилотлар раҳбарлари зиммасига жиддий масъулият юклайди. Жойларда болалар оромгоҳларининг тўлақонли фаолият кўрсатиши, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, тарбиячилар масъулиятини ошириш, болаларнинг кўнгилли хордик чиқаришларини таъминлаш муҳим масалалар сирасига киради.

**ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА ЮЗАКИ МУНОСАБАТ**

Лага етарли даражада аҳамият берилмапти. Оромгоҳлар ёзги соғломлаштириш мавсумига тўла тайёр эмас. Ичимлик суви, алоқа воситалари муаммо бўлиб турган, фарзандларимиз яшаш ва дам олиш учун етарли шароит яратилмаган, санитария-гигиена қонун-қоидаларига жавоб бермайдиган оромгоҳларнинг кўпчилиги жиддий таъмир туғдиради. Болаларни қабул қилишга тайёр, деб ҳисобланган оромгоҳларда ҳам бир талай камчиликларнинг барбора аниқланган. Бу ишга мутасадди бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масалага юзаки муносабатидан далолат беради. Ҳар уч вилоятдаги бир қатор оромгоҳлар мавсумга тўла-тўқис тайёр эмаслиги текшириш давомида аён бўлди. Жумладан, Риштон туманидаги «Дўстлик» болалар оромгоҳида дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, Тонволдиев номи оромгоҳида тоза ичимлик суви масаласи, ёртин моламалари йўлга қўйилмаган. Бундай камчиликларни бошқа оромгоҳлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳар бир бола эътиборда бўлиши ва ҳар бир оромгоҳ раҳбари, тарбиячилари улар тақдирини учун жавобгар эканлигини унутмаслиги зарур. Мажлисида Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги болалар дам олиш оромгоҳларидаги аҳвол юзасидан ўтказилган текшириш якулини эшитилди ва муҳокама қилинди. Унда қайд этилган камчиликларни барбора аниқлаш ва таъмирлаш чора-тадбирлар белгиланди.

Шу боис Фарғона вилоятида бўлиб ўтган мажлис кун тартибидан водий вилоятларида мавжуд бўлган болалар оромгоҳларидаги аҳвол масаласи атрофида муҳокама қилинган бежиз эмас. Йиғилишда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг шу масалага алоқадор бўлиш ва бошқарма бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, ички ишлар бошқарма ва бўлим раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари тақриф этилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Парпиев олиб борди.

Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда болалар оромгоҳларида бугунги аҳвол қандайлиги кўриб чиқилди, - деди ўз сўзида Ботир Раҳматович. — Унда водийдаги болалар оромгоҳларида жиддий камчиликлар борлиги алоҳида таъкидланди. Андижон, Наманган ва Фарғонада ушбу долзарб масала

**Мўйдинжон СОБИТОВ, «Ишонч» муҳбири.**

**БОЗОР — ҲАЁТИМИЗ ОЙНАСИ**


Бирон-бир халқнинг қандай яшаётганлигини билмоқчи бўлсанг, бозорларини бориб кўр, деган нақл бор. Шу кунларда Наманган бозорларида бўлсангиз, тўқинликни кўриб, чехрангиз ёришад. Бир-биридан тотли, сархил мевалар, сабзавот маҳсулотлари, рўзгор учун зарур жиҳозлар, кийим-кечаклар, кўйинки, кўпдан-кўп моллар харидорларга мунтазир. Олувчи ҳам, сотувчи ҳам кўп. Ҳўш, вилоят бозорларидаги шароит қандай?

Мустақиллик йилларида чекка қишлоқлардан тортиб то шаҳар марказларигача Шарқ мезморчилиги услубида ажойиб гузарлар, бозорлар қад ростлади. Биргина Наманган шаҳрининг ўзида «Чорсу», «Дўстлик», «Яшил бозор», «Тахта кўприк», «Темирийўл шоҳбекати», «Сардоба» ва «Жаҳон» бозори каби масканлар аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Табиийки, харидор ҳам, сотувчи ҳам энг кўркам, ўзи учун қўлай бўлган бозорга боради. Шу маънода «Жаҳон бозори» ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз.

Бундан тўрт йил аввал нурунийлар фотиҳаси олиниб, ушбу бозор пойдеворида дастлабки гишт қўйилган. «Буюк илақ йўли» ўтган жойда савдо-сотик маркази, ажойиб дўконлар, расалар қад ростлашнинг барча орзиқиб кутди. Вилоят, шаҳар

яна бир тарафи Фарғона вилояти ҳамда Қирғизистон Республикаси билан боғланган, катта автомобиль-трассаси йўлида жойлашган бозорга келувчилар кун сайин кўпаймоқда. Маданий-маиший, транспорт хизмати ҳам пухта ўйланган. 4 та йирик ош-

ётганларга эса қурилиш материалларидан ёрдам ажратилди. Боқувчисини йўқотган, аввал шу даргоҳда ишлаб кетган фахрийлар ҳам меҳр оғушида.



**Ислоҳот инсон учун**

Иноқ жамоа саховатпеша ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Жумладан, Наманган шаҳридаги 1-болалар бўғчаси оталиққа олинган. Уларга ярим миллион сўмлик мадад кўрсатилди. Жажилар масканини таъмирлаш, уларга кийим-бош ҳадыя этиш, спорт-соғломлаштириш майдончаларини созлашда ҳам баҳоликдурат кўмаклашилмоқда. Чортоқ туманидаги «Гулшан» сихатгоҳига имтиёзли йўлланмалар берилмоқда. Қарияларни қадрлаш йилида саховатпеша ишлар жонлантирилмоқда. Бозор маъмурияти аҳоли талаби, тақлим-мулоҳазалари, танқидий фикрларини мунтазам ўрганиб боради. Шу асосда хайрли тадбирлар амалга оширилади. Муҳими, бу ерга қадам ранжидан қилган киши ўзи истаган неъмат ёки буюмин албатта харид қилади. Одамларга синчковлик билан назар ташлар экансиз, улар чехрасидаги мамнунликни кўриб, бозори бароридан келганлигини қалбдан ҳис этасиз.

**Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» муҳбири.**



Навоий вилояти касаб уюшмалари Кенгаши қошидаги маънавият ва маърифат хонаси кўпичина кишилар билан гавжум. Бу ерда турли мавзуларда суҳбатлар, савол-жавоблар уюштирилмоқда.

**СУРАТДА: ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ РАИСИ ВАЗИР ФАРИД ХУЖАМҚУЛОВ ХОДИМЛАР БИЛАН ЯНГИ КЕЛТИРИЛГАН АДАБИЁТЛАР ХУСУСИДА ФИКРЛАШМОҚДА.**

**КУТУБХОНАЧИ ИМТИЁЗИ ХУСУСИДА**

**Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаб уюшма Марказий кўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради**

**САВОЛ:** Кутубхоначилар коммунал хизматлар (газ, сув, электр энергия)дан фойдаланишда имтиёزلарга эгамилар? Ушбу масалада батафсил маълумот берсангиз.  
**Г.Сайдахмедова, З.Темирова, Ф.Тошпўлатова, Фориш тумани.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги Фармони (УП №2832) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелдаги 178-сон Қарори бўйича педагогларга яратилган имтиёزلардан қуйидаги шахслар фойдаланиш ҳуқуқига эгалар:

- барча хилдаги умумтаълим мактаб ўқитувчилари ва болалар уйи тарбиячилари, педагоглик меҳнат стажини 10 йилдан кам бўлмаган пенсиядаги мактаб ўқитувчилари ва болалар уйи тарбиячилари;
- мактабгача таълим ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячи ўқитувчилари тизимини тарбиячи ўқитувчилари, заҳиралари ва ўқув-спорт мактаб директорлари, директор ўринбосарлари, инструктор-методистлари, Маданият ишлари вазирлигига қарашли болалар санъат ва музыка мактаб директорлари, директор ўринбосарлари, ўқитувчилари, концерт-мейстерлари, мактаб-интернат ва болалар уйлари махсус фан ўқитувчилари, музыка раҳбарлари ҳамда шу тоифадаги педагоглик стажини 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерлар;
- олий ва ўрта махсус таълим ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби, илмий ходимлари ҳамда ўқув ёрдамчи ходимлари ва шу тоифадаги педагоглик меҳнат стажини 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерлар.

Ушбу Фармонда юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёزلардан фойдаланишда кутубхоначилар назарда тутилмаган.

**И.ХАСАНОВ олган сурат.**

**Акмал АЛЛАМУРДОВ, «Ишонч» муҳбири.**

Еш авлоднинг соғлом, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш «Ватанпарвар» ташкилотларининг биринчи галдаги вазифасидир. Мудофаага кўмаклашувчи ушбу ташкилотнинг Қашқадарё вилоят кенгаши таркибидан айна пайтада 13 та туман ва шаҳар кенгаши, шунингдек, Қарши, Шаҳрисабзда автомобилчилар тайёрлаш мактаби, вилоят амалий ва техник спорт турлари маркази фаолият кўрсатмоқда. Вилоят бўлимида 390 та бошланғич ташкилот бўлиб, 305 минг 300 нафар аъзони ўз атрофида бириктирган. Таъкидлаш жоизки, бошланғич ташкилотларнинг 305 таси жамоавий бўлиб, уларнинг аъзолари 111 минг 700 нафардан ортиқдир.

Ўтган йил якунига кўра, бошланғич ташкилотлар ҳамда шаҳар ва туман кенгашиларининг ҳисоб рақамига 2 миллион 93 минг сўмдан ортиқ пул тушди. 2001-2002 ўқув йилининг биринчи босқичида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига 200 нафар техник мутахассис тайёрлаш режалаштирилган эди. Бу масъулиятли иш шараф билан адо этилди.

— Спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор бераёلمиз. Айниқса, бу ишда касаб уюшмалари билан яқиндан ҳамкорлик ўз самарасини бермоқ-

**Мудофаага кўмаклашувчи ташкилотларда**

ши каби спортнинг жангдор турлари бўйича тўғарак ва секциялар мунтазам фаолият кўрсатиб турибди. зилган спорт мусобақаларида қувончли ютуқларга эришдилик. Қисқа тўқинли алоқа қилиш бўйича республика мусобақасида биринчи ўринни, авиамоделчилар беллашувида иккинчи ўринни, «Варрак ва лайлак» учирини баҳсларида учинчи ўринни қўлга киритдилар. Ҳар бир тадбирни ўтказиш, мусобақалар уюштириш, биринчи навбатда иқтисодга, молиявий масалаларга бориб тақалади. Бу борада ҳам «Ватанпарвар» ташкилотининг вило-

**«ВАТАНПАРВАР»НИНГ ИҚТИДОРЛИ ЙИГИТЛАРИ**

Умуман олганда, 60 дан ортиқ турли спорт тўғаракларида 9 минг нафарга яқин ёшлар жалб этилган. Кейинги йилларда вилоятимизда 2 нафар республика тоифасидаги ҳакам, 10 нафар спорт усталлигига номзод, 700 дан ортиқ турли разрядли спортчилар тайёрланди. Терма жамоаси аъзолари 2001 йилда республика миқёсида ўтқа-

да, - дейди МК «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Абдукарим Назаров. — Муштарак мақсадлар мезонини сифатида воҳада авиамодел, ракетамодел, судомоделчилик, мотокросс ва ралли, автокросс, ҳарбий-амалий денгиз учкураши, ёзги биатлон, милтиқдан отиш, радио, авторалли, картинг, курсант кўп кура-

лика мусобақасида биринчи ўринни, авиамоделчилар беллашувида иккинчи ўринни, «Варрак ва лайлак» учирини баҳсларида учинчи ўринни қўлга киритдилар. Ҳар бир тадбирни ўтказиш, мусобақалар уюштириш, биринчи навбатда иқтисодга, молиявий масалаларга бориб тақалади. Бу борада ҳам «Ватанпарвар» ташкилотининг вило-

ят кенгашида амалий ишлар қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ташкилот 44 миллион 741 минг сўмдан зиёд даромад олди. Самарадорлик 23 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич Қарши автомобил мактабида 27,9 фоиз, Қарши туман кенгашида 27,3 фоиз, Ғузур туманида 27,9 фоизга етказилди. Афсуски, Китоёб, Яқкабғо туманларида самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлди. Бу борадаги ишларни янада яхшилаш мақсадида янги режалар, амалий ташаббуслар ишлаб чиқилган.

Ташаббус

Бундан икки йил муқаддам Пайарик туманида каратэ клуби ташкил топди. Дастлаб катнашувчилар атиги 20 нафардан иборат эди. Машгулот учун спорт зали, керакли анжонлар етарли даражада бўлмаса-да, туман ёшларида каратэга бўлган қизиқиш ортиб, ўз-ўзидан аъзолар сафи ҳам кенгайди. Бўш вақтларини нималарга сарф

қилишни билмай, кўча-кўйда тентираб юрган ёшлар клуб фаолиятида иштирок эта бошлагач, унинг обрў-эътибори янада ошди. Туман прокуратураси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда клубнинг тарбиявий аҳамияти муҳим эканлигини, бу хайрли ишни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомийликни ўз зиммасига олди.

КАРАТЭ КЛУБИ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ

Клубнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, шуғулланувчиларга етарли шарт-шароитлар яратилди. Галдаги вази-фа, машгулотлар ўтказибгина қолмай, балки вилоят, республика босқичларида чиқиш, таниқли спорт устаслари, чемпионлар етиштириш эди. Бундай ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Каратэнинг нозик сирларини пухта эгалаган, тажрибали мутахассис Зариф Болтаев бу мақсад йўлида тинимсиз изланди. Уринишлар бесамавр кетмади. Ушбу спорт тури билан машғул бўлган ўсмирлар сони туман миқёсида 2000 нафардан ошиб кетди. Шухрат Қўшмуродов, Файзулла Арслонов, Адхам Рустамовлар республика чемпионлигини қўлга киритишди. Сардор Очилбоев эса 10-11 ёшлилар ўртасида чемпион деган номга сазовор бўлди. Айни дамда бу даргоҳда 7 ёшли болажонлар ҳам каратэ сирларини ўрганмоқдалар.

ратура, ички ишлар бўлими ҳомийлигида эски бино таъмирланиб, спорт мажмуи ишга туширилди. Бу ерда спортнинг 16 тури, хусусан, баскетбол, волейбол, кураш, гимнастика, теннис бўйича машгулотлар бошлаб юборилди. Клуб катнашчиларининг сони кескин ортиб бориши тўғрисида каратэ мактабига асос солинди. Муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Спорт анжонлари эскирган, кичик спорт майдончалари, ёпиқ зал, ювениш хоналари таъмирга муҳтож. Мутахассисларнинг етишмаслиги тўғрисида айрим спорт турлари ҳали ўз фаолиятини тўлиқ бошлаганича йўқ. Ишларни кўнгилдагидек йўлга қўйиш ва кўзланган мақсадга эришишда ҳомийлар кўмагига эҳтиёж сезилмоқда. Шундай бўлса-да, мажмуага қатнаётган ёшларнинг руҳи баланд.

рацияси терма жамоа аъзолигига саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Унда барча туманлардан келган ёш каратэчилар беллашдилар. Терма жамоа сафига 24 нафар аъзога жўра сараланиб олинди ва улар турли мусобақа ва турнирларда вилоят, республика шаънини ҳимоя қилишди. — Бу спорт турининг оммавийлашиб бориши албатта қувонарликидир, — дейди вилоят Анъанавий каратэ-до Федерацияси президенти, 1 DAN қора белбоғ соҳиби Зариф Болтаев. — Ҳозирда вилоят миқёсида ушбу спорт мактабига шуғулланаётганлар сони 8 минг нафарни ташкил қилади. Каратэчиларимизда жанг услубларини тақомиллаштириш, бойиши мақсадида Россия ва Украинадаги соҳа мутахассислари билан алоқада бўлиб турибмиз. Июл ойида Россия каратэ-до Федерацияси президенти, 5 DAN қора белбоғ соҳиби Ханзратян ҳамда Украина каратэ-до Федерацияси президенти, 5 DAN қора белбоғ соҳиби Савченколар юртимиз вакилларига бир ой давомида сабоқ бердилар.

Давур ТУРОН.

Касаба уюшма тадбири



СПАРТАКИАДА

Кўтаринки рух ва уюшқоқлик вазиятида ўтди

Кибрай туманидаги Электротехника касбхунари коллежи спорт мажмуи ва Тошкент Гидроэлектростанцияси ўйингоҳида пойтахт вилояти ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари касаба уюшма кўмитасининг спартакиада беллашувлари бўлиб ўтди. Тармоқ ходимлари мини футбол, стол теннис, волейбол, шохмот ва шашка бўйича бахшашдилар. Эркаклар ўртасидаги волейбол мусобақаларида 7 та жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этишди. Чирчи шаҳридаги «Электромаш» спортчилари эгаллашди.

рринкилик билан ўтказиб, мусобақа якунида голибликни қўлга киритишди. Улар ҳал қилувчи баҳсда Олмалик шаҳридаги «Аммафос» очик турдаги акциядорлик жамияти ҳамда «Ўзбекиммаш» теннисчилари совриндорлар сафидан жой олдилар. Мини футбол ўйинларида Янгийўл шаҳридаги «Биокиммаш» акциядорлик жамияти жамоасига омад кулиб бокди. Тошкент гидроэлектростанцияси вакиллари иккинчи, «Аммафос» очик турдаги акциядорлик жамияти футболчилари учинчи ўринларни қўлга киритишди. Шохмот ва шашка ўйинларида ҳам «Электромаш» ОАЖ спортчилари мусобақаларга пухта тайёргарлик билан келганликларини исбот

этилди. Улар мазкур икки спорт тури бўйича ўтган беллашувларда зафар кучдилар. Шунингдек, «Биокиммаш» ва «Аммофос» корхоналари вакиллари ҳам совринли ўринларни эгаллашди. — Спартакиада кутилганидан ҳам муваффақиятли — дўстона руҳда, кўтаринки кайфиятда ўтди, — деди вилоят ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси Мавжуда Халилова. — Зеро, ҳар бир жамоа, ҳар бир спортчи ўз корхонаси шарафини муносиб ҳимоя қилишга астойдил ҳаракат қилди, голибликка эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солди. Тармоқ ишчи-хизматчи-

рининг спортга нисбатан қизиқишининг ортishi, спорт оркали ўз саломатликларини мустаҳкамлашда келгусида корхоналарда иш самарадорлигини оширишга муносиб улуш қўшишга ишончим комил. Спартакиада якунида голиб ҳамда совриндор жамоалар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шу билан бирга, шахсий биринчиликларда зафар қучган спортчиларга ҳам махсус совринлар топширилди.

К.ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири. И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

ЎЗБЕК ЧАВАНДОЗИНИНГ ЮТУГИ



Тошкентдаги «Жокей» хусусий от спорти клубида 6-9 июн кунлари от спорти бўйича жаҳон кубогининг учинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз, Қозғистон ва Қирғизистоннинг номдор спортчилари жаҳон кубогининг финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини берадиган ягона йўлланма учун бахшашди. Беллашувда ҳамюртимиз Файрат Назаров тўсиқлар оша от сакратиш бўйича «Гран-при»га эга бўлди ва ягона йўлланмани қўлга киритди. Энди у жаҳон кубоги беллашувларида Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилади. Умумжамоа ҳисобида эса биринчи ўринни Қозғистон, иккинчи ўринни Ўзбекистон ва учинчи ўринни Қирғизистон чавандозлари эгаллади. (ЎЗА).

2002 FIFA WORLD CUP KOREA JAPAN. Гигантлар ўртасидаги баҳс натижасини башорат қилиш бамисоли тўғилмаган боланинг ўғил ёки қизлигини олдиндан айтишдек гап. Янглишиб қолиш мумкин. Бундан биз футбол шинавандалари жаҳон чемпионати бошланган-

ФРАНЦИЯ – ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТДА!

дан буён бир неча бор бошдан ўтказдик. Франция ютади, дедик — Сенегал голиб келди. Португалияни шохсупага қўйиб улгурмасимиздан АКШ футболчилари башоратимизни чиппакака чикаришди. Хорватлар италянларни тор-мор этгач, биз нима дейишни ҳам билмай қолдик. Шунга ўхшаш кутилмаган натижалар тўғрисида деярли барча гуруҳда икки турдан сўнг анчайин мураккаб вазият юзага келди. Хоҳланг «Н» гуруҳини таҳлил қилинг, хоҳ

ланг «Д» гуруҳини... Шундайки, «С» гуруҳида пешқадамликни қўлга олган ва икки ўйин натижасига кўра олти очко жамғарган Мексика термаси ҳам бугун хотиржам эмас. Сабаби аён. Агар учинчи турда ушбу жамоа италияликларга ўйинни икки тўп фарқ билан бой берса, айни вақтда хорватлар Эквадор термасини мағлуб этса, бу ҳолда тўплар нисбати ҳисоб-китоб қилинади-да, қарабизки, олти очко тўплаган (!?) мексикаликлар ним чорак финал эшикларини очиб

кириш бахтидан маҳрум бўладилар. Ана шунанга гаплар... Энди фавқуллода мураккаб вазият юзага келган «А» гуруҳида кеча ўтказилган учрашувларга баҳо берадиган бўлсак, энг аввал бир ҳақиқатни эътироф этишимизга тўғри келади. Ушбу чемпионатда Франция икки хил таркиб билан намоён бўлди. Бири Зидансиз, бири — Зидан билан. Зидансиз қандай жамоа эканлигини биз Сенегал ва Уругвай билан кечган ўйинда кўрдик.

Хал қилувчи баҳс — Дания билан ўтказилган гуруҳдаги энг сўнги ўйинда французлар бош мураббийи Роже Лемерр гарчанд жароҳатидан тўла фориғ бўлган бўлса-да, майдонга З.Зиданни туширишга қарор қилди. Лекин бу гал ҳужумчи Тьерри Анри йўқ эди. У Уругвай билан учрашувда ҳакамдан қизил карточка олганлиги учун ушбу матчи кўйиб юборишга мажбур бўлди. Хуллас, омадга ҳам кўп нарса болгик, деганларига яна бир бор

ишонч ҳосил қилдик. Данияликлар шу кунги барчани ҳайратга солиб, кейинги босқичга йўлланма олишди. ИШКИБОЗ ЁН ДАФТАРИГА

Table with 6 columns: Group, Team, W, D, L, T-N, O. It shows results for 'А' and 'Е' groups, listing teams like Дания, Сенегал, Уругвай, Франция, Германия, Ирландия, Камерун, С.Арабистони.

«А» ГУРУҲИ Дания - Франция - 2:0 Сенегал - Уругвай - 3:3

«Е» ГУРУҲИ Камерун - Германия - 0:2 С.Арабистони - Ирландия - 0:3 Шундай қилиб, «А» ва «Е» гуруҳларида учрашувлар нихоясига етиб, қўйидагича кўриниш олди.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21,00 Топширилди - 22,00

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетани 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланади. Офсет усулида босилди. Вичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Стовуада эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.